

ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 6 ноябрь № 43 (323) • Сотувда нархи эркин

ТЕМИРЎЛЧИЛАР КЕНГАШИ

Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари темир йўл транспорти кенгашининг XXII йиғилиши бўлиб ўтди. Унда МДХ, Литва, Латвия, Эстония, Болгария мамлакатлари темир йўл раҳбар ходимлари иштирок этишди. Йиғилишни Россия темир йўллари вазири Н. Аксёненко олиб борди. Кенгаш йиғилишида ушбу давлатларда темир йўл соҳасида тўпланиб қолган кўпгина масалалар муҳокама

қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Л. Ахметов иштирок этди ва республикамизда темир йўл транспорти соҳасида амалга оширилган ҳамда оширалажақ ишлар хусусида меҳмонларга маълумот берди. Қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И. АҲМЕДОВ

«Фаргона Телеком» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида ҳиссадорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибига қўйилган масалалар атрофлича муҳокама қилинди. «Фаргона Телеком» ҲХЖнинг 9 ойлик молиявий ҳужалик фаолияти бўйича жамият бош директори Улуғбек Султоновнинг ҳисоботи тингланди. Жамият Кузатов Кенгаши ва Ижроия аппарати тўғрисидаги низомлар лойиҳаси му-

ҳокама қилиниб тасдиқланди. Йиғилишда «Фаргона Теле-

**ЙИГИЛИШ
ЎТКАЗИЛДИ**

ком» ҲХЖнинг Кува филиали директори А. Хидоятлов, Риштон филиали директори М. Фофуров ва Марғилон шахар

филиали директори М. Низомидиновлар ҳам сўзга чиқиб йўл қўйилган камчиликлар юзасидан маълумот беришди. Кузатов Кенгаши раиси И. Исроилов кун тартибидagi масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ҳиссадорларнинг саволларига жавоб берди. Умумий йиғилишда барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фарида УМАРОВА,
Фаргона вилояти**

САМАРҚАНДГА САЙР ҚИЛДИК

Биз бир гуруҳ алоқачилар қадимий шаҳар Самарқандда бўлиб қайтдик. Бу саёҳатимизни Сурхондарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касабаяушмаси ташкил этди. Буюк соҳибқирон Амир Темури Мурийлар салтанати ёдгорликларини бизни ҳайратлантирди.

Саёҳат давомида буюк муҳаддис Исмоил ал-Бухорий бобомиз юртини ҳам зиёрат қилдик. Мустақиллик сабаб ўзлимизга қайтаётганимизни ва миллий қадриятларимизни тиклаётганимизни зиёрат давоми-

да яна бир қарра ҳис этдик. Хуллас, Самарқандга сайримиз бизга бир олам шодлик, куч-қувват ва хушқайфият бахш этди. Шунинг учун бу мароқли саёҳатни уюштирган вилоят алоқа ходимлари касабаяушмасига ҳамда унинг раиси Ашуралли ака Даминаовга катта миннатдорчилик билдирамыз.

**Абдулла МАМАТАЛИЕВ,
«Сурхондарё телеком»
шўба қорхонасининг
Жарқўрган филиали
ҳодими**

• ШУ СОНГА ШОШИЛИНЧНОМАЛАР

«Самарқанд почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Жомбой почта шохобчасининг олтинчи нафар ишчи-хизматчилари яқдиллик ҳам «ХАВАР»га ёзилишди.

**Жомбой почта шохобчаси директори
Х. АҲМЕДОВА»**

Х Х Х

«Фаргона почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Марғилон филиали жамоаси обунани уюшқоқлик билан ўтказиш, 1999 йил учун сеvimли «ХАВАР» газетасига юз фоиз обуна бўлдилар.

**«Фаргона почтаси» ҲХЖнинг Марғилон филиали
бошлиғи
Ҳамидулла ИБРОҲИМОВ»**

Х Х Х

«Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти Денов филиалининг 130 нафар алоқачилари «ХАВАР» газетасига обуна бўлдилар.

**Денов филиали бош ҳисобчиси
Х. АЛИМАРДОНОВА»**

• Обуна-99

Азиз муштарийлар!

«ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!
ОБУНА БАҲОСИ
(Каталог нархи)

Якка тартибдаги обуначилар учун: 6 ойга 330 сўм, 1 йилга 660 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 227. Ташкилот ва қорхоналар учун: 6 ойга 498 сўм, 1 йилга 996 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 228.

• 1998 йил — Оила йили

Оила йилида Қашқадарё вилояти алоқа қорхоналарида «Намунали оила» кўрик-танловлари ўтказилди. Кўрик-танловда ўттиз ва ундан ортиқ йил биргаликда турмуш қурган, тўрт нафардан кўп фарзандни вояга етказиб уларни уйли-жойли қилган алоқачилар оилалари иштирок этишди.

Дастлаб кўрик-танлов туманларда сўнгра эса вилоят марказида бўлиб ўтди. Вилоят бўйича ўтказилган «Намунали оила» кўрик-танловида Чироқчи тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Абдурахмон Йўлдошев оиласи биринчи ўринни, Касби тумани электралоқа боғламаси ходими Б. Ҳақ-

бердиев, Қарши тумани электралоқа боғламаси ходими А. Мақсумов оилалари иккинчи ва учинчи фахрий ўринларни

**КЎРИК-ТАНЛОВ
ДАВОМ ЭТАДИ**

эгаллаб, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

«Қашқадарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятида ўтган кўрик-танловнинг натижаларига кўра эса ҳиссадорлик жамиятининг Яккабоғ тумани почта боғламаси тафтишчи-йўриқчиси Бердиқобил Жонузоқов оиласи биринчи ўрин-

ни, қосонлик Маҳмуд Ҳақбердиев, Қарши шаҳридан Мурод Умаровлар оиласи иккинчи ва учинчи фахрий ўринларни эгаллаб, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Улар Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда алоқа ходимлари касабаяушмаси Марказий Қўмитаси ташаббуси билан шу йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган республика кўрик-танловида иштирок этиш учун йўлланмалар олишга сазовор бўлишди.

**Эшқобил
АБДУРАҲМОНОВ,
Қашқадарё вилояти**

• Матбуотда «И. Ҳ. Жўрабеговни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида» Ўзбекис-

тиланган мажлис бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қи-

тов вилоятидаги ерлар сотилди.

• Покистоннинг Гужата шаҳрида яшовчи 6 ёшли Шинза исмли қиз мамлакат олимлари олдига жумбоқлигича қолмоқда. Гап шундаки, жажжи қизчанинг кўзла-

ОЛАМДА НИМА ГАП? - Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

тон Республикаси Президентининг Фармони шунингдек, «Фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қарори эълон қилинди.

• Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда шўхратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликнинг олдини олишга доир фармонининг ижросига ба-

лиш идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

• Тошкентда Туркия Республикасининг 75 йиллигига бағишланган «Отатуркчилик ва замонавий Туркия» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

• Ингушетия Президенти Руслан Аушев давлатнинг янги қароргоҳи узра байроқни кўтарди ва бу билан Ингушетиянинг янги пойтахти — Магас шаҳрини очди. У ингуш тилида «Кўёш» маъносини аंगлатади.

• Россияда 1917 йилдан бўён биринчи марта ерларнинг хусусий қимомши савдоси ўтказилди. Унда Сара-

ри у қийган либосларга қараб ўзгарар экан. Олимпир бу ҳодиса устида бош қотираётган бир пайда, маҳаллий аҳоли Шинзани табиат мўъжизаси сифатида зиёрат қилишмоқда.

• Ҳиндистонда анъанавий «Девали» — «Олов тантанаси» байрами ўтказилди. Барча диний мазҳабларни бирлаштирувчи бу анъана беш кун давом этди.

• 1962 йили фазога кўтарилган биринчи америкалик фазоғир, 77 ёшли сенатор Жон Глен яна космосга парвоз қилди.

Мамлакатимизда қабул қилинган тегишли қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари шарофати туфайли телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва тақомиллаштириш, уни жаҳон тизими билан интеграциялаш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Фақат кейинги беш йил мобайнида республикамизда ҳоризинг етакчи компаниялари иштирокида умумий ҳажми қарийб 400 минг рақамдан иборат йирик қувватга эга рақамли маҳаллий ва халқаро коммутицион станциялар қурилиб фойдаланишга топширилди. Барча вилоятларда эса янги алоқа иншоотлари барпо этилмоқда.

1997 йили республикамиз ҳудудида дунёдаги энг йирик Миллий сегментлардан бири Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистралли (ТОЕ)нинг қурилиши муваффақиятли тугаллангани ва уни фойдаланишга топширилиши ҳақи равишда халқаро аҳамиятга эга муҳим воқеалар сирасига киритиш мумкин. Бу мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасидаги дастлабки замонавий магистралдир.

Бир учи Хитойнинг Шанхай, иккинчи учи Германиянинг Франк-Фурт-на Майн шаҳарларини узаро боғловчи янги алоқа магистраллининг узунлиги 27 минг километр бўлиб, у мазкур қурилишда қатнашган 20 та давлат, шу жумладан, Марказий Осиё республикалари ҳудудидан ўтади.

Ўзбекистон Миллий сегменти трассасининг (Тошкент-Жиззах-Самарқанд-Бухоро-Олоат) узунлиги эса 900 километрдан зиёдроқни ташкил этади.

Шу йилнинг январь ойидан

бошлаб Миллий сегмент ишлатиб қўрилди — мамлакатимиз минтақаларию салкам 1000 та алоқа канали очилди, Ўзбекистонни Қозоғистон ва Хитой билан боғловчи халқаро каналлар ҳаракатга келтирилди.

1992 йилнинг сентябрь ойида Хитой бу магистраль қурилиши ҳақида таклиф киритганида Ўзбекистон Республикаси уни фаол қўллаб-қувватлаган эди. Кейинроқ эса узаро келишувга мувофиқ, мазкур таклиф тула маъқулланган ҳолда, Жанубий-Шарқий Осиё, Европа, Кавказнинг бошқа мамлакатлари тarmoқларини узаро боғловчи Хитой-Қозоғистон-Туркменистон-Эрон-Туркия-Украина-Польша-

жумласидандир.

Фақат шунга эмас. Янги магистраль туфайли Ўзбекистон ташқи телекоммуникация тармоғи тараққий этган мамлакатлар қаторига киради, мамлакатнинг иқтисодий имкониятини янада мустаҳкамлаш йўлида аниқ тағзим яратилади. Бу — республикамиз учун халқаро маконда ахборот хизмати соҳасини ривожлантириш ва кенгайтиришда катта техникавий имконият очилди дегани.

Шу уринда бу иншоотнинг қурилишига оид айрим муҳим далилларни эслатиб ўтиш жоиз.

Аввало, магистраль қурилишининг ишчи лойиҳаси Ўзбекистон алоқа лойиҳа институти

янги технологияни қўллашни улар иш жараёнида ўзлаштириб бордилар.

Қурилишга жами 12 та маҳаллий қурилиш-монтаж ташкилоти, шунингдек «Шаҳрларароалоқақурилиш» акционерлик жамияти жалб этилган эди. Бариси катта ҳажмдаги ўта мураккаб юмушларни қўйилмақом қилиб удралди. Почта ва телекоммуникациялар агентлиги эса барча ишларни мувофиқлаштириб, иншоотнинг белгиланган муддатда, сифатли топширилишини назорат қилиб турди.


Бу йирик иншоотни барпо этиш жараёнида юзага келган муаммоларни ечиш, қурилишнинг тез ва сифатли тугаллашда республика ҳукумати, бир қатор вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар ҳам катта ёрдам бердилар. Президентимиз Исом Каримов эса Алмати шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг учрашувида мазкур иншоотга оқори баҳо бериб, узаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда ана шу магистралдан янада самарали фойдаланиш чораларини қуришга даъват этди.

Бир суз билан айтганда, ушбу алоқа иншоотининг қурилиши кўламини миқёси, белгиланган муддатда фойдаланишга топширилгани, иқтисодий аҳамияти, келгусида мамлакатимиз телекоммуникация тармоғи ва иқтисодиётини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси жиҳатидан Ўзбекистон тарихида ноёб ҳодиса ҳисобланади.

М. ХОЛМУРОВА,
«Халқаро Телеком»
акционерлик
компаниясининг бош
директори

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ИНСОН

«Алоқинвест» ҳиссадорлик жамияти раиси Абдунаби Тоғайалиевич ТОҒАЙАЛИЕВ 60 ёшга тўлди.



А. Т. Тоғайалиев Термиз шаҳрида таваллуд топди. Мактабни тугатган, Тошкент электротехника Алоқа институтига ўқишга кирди. Олий маълумотли бўлган Абдунаби 1962 йили Термиз линия-техника алоқа тармоғининг тажрибахонасида муҳандис бўлиб ишлади, бошқариш бўлимига ўтди. Сунгра Денов алоқа техникасидан фойдаланиш тармоғида бошлиқ уринбосари, Термиз алоқа техникасидан фойдаланиш тармоғининг бошлиғи бўлиб ишлади. Абдунаби учун мана шу давр Алоқа институтига олган билимларини амалда қўллаш, келгусида малакали мутахассис бўлиб етишиш даври бўлди. Орадан уч йил ўтган у Сурхондарё вилояти алоқа бошқармасига бош муҳандис этиб тайинланди. У бу вазифада беш йил давомида ишлаб, Сурхон воҳаси алоқа корхоналарининг иш сифатини ошириш, муаммоларини бартараф этиш билан астойдил шуғулланди.

А. Тоғайалиев 1970 йили Андижон вилояти алоқа бошқармасига раҳбар этиб тайинланди. Беш йил давомида у Андижон алоқа корхоналарини илгор техникалар билан таъминлаш, янги алоқа иншоотларини қуришда жонбозлик кўрсатди. Ташбабукор тиниб-тинчимас раҳбарни 1975 йили Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосарлигига тавсия этилди. У ўн йил мобайнида ушбу вазифада ишлаб, алоқа соҳасининг мураккаб масалаларини ҳал қилиш, тармоқни илгор техника билан таъминлаш, алоқа иншоотларини қуриш каби энг муҳим ҳамда масъулиятли юмушларни қўйилмақом қилиб бажарди. Унинг раҳбарлик қобилияти мана шу даврда яққол намоян бўлди. У Тошкент телеинораси қурилишини ташкил этганлардан бири ҳисобланади. Қисқа муддатда ушбу алоқа иншооти юқори сифат билан қурилди. Ҳар йили гўзал мазкур телеинора Тошкент ва Ўзбекистоннинг кўрки бўлиб қолди.

Сунгра у икки йил давомида Жиззах вилоят алоқа бошқармасини, беш йил мобайнида Шаҳрлараро алоқақурилиш трестининг 4-монтаж-қурилиш бошқармасини бошқарди. 1992 йилдан эса «Ўзбекистонинвест» концерни ҳозирги «Алоқинвест» ҳиссадорлик жамиятига раҳбарлик қилмоқда. Унинг етакчилигида Транс-Осиё-Европа кабель магистралли, ОЕСҒ ялон, кредитли асосида Оролбўйи ва республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги АТС, магистрал, радиорелели алоқа линияларининг қурилиши каби бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, ҳозирда ҳам бу ишлар олиб борилмоқда. Заҳматли меҳнатлари учун муносиб тақдирланган Абдунаби Тоғайалиевнинг аҳойиб оиласи бор. Умр йўдоши ва ўғли республикамиз алоқа корхоналарида меҳнат қилишмоқда.

Хушмуомала, дўстликни қадрловчи, меҳнатсевар, тиниб-тинчимас инсон Абдунаби Тоғайалиев ҳали-ҳамон ёшлигидек эҳр файрат билан тер тўкмоқда. Унга узақ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

ЯНГИ АЛОҚА ХИЗМАТИ

Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистраллини «Аср қурилиши» дейишади

Германия лойиҳаси амалга оширилди. Натижада Транс-Миллий телекоммуникация тармоғи марказида жойлашган Ўзбекистоннинг узининг барча минтақаларини замонавий ахборот технологиясига улаш, шунингдек, Шарқ-Ғарб, Ғарб-Шарқ йўналишлари бўйлаб транзит йўлини ўтказиш борасида катта имкониятни қўлга киритди. Жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчилар томонидан магистралда замонавий технологияларнинг ўрнатилиши сервис хизматини юқори даражада ташкил этишга ёрдам беради. Икки томонлама музокаралар олиб бориш, ахборотларни узатиш ва қабул қилиш, аудио ва видеоконференциялар, тиббий сеанслар ўтказиш, Интернет тармоғига қўшилиш, талабаларнинг масофавий ўқишларини уюштириш ва бошқалар шулар

мутахассислари томонидан бажарилди. Уни маблаг билан таъминлаш вазифаси Германиянинг KfW банки зиммасига юклатилган бўлса, машҳур Сименс АГ фирмаси барча кабель маҳсулотлари ва ускуналарни келтирди.

1996 йилнинг февраль ойида Тошкент вилоятида дастлабки метр кабель ётқизилди. «Алоқинвест» ҳиссадорлик жамияти бош пудратчи вазифасини ўтади. Унинг қурилиш-монтаж бўлимлари ва мутахассисларига қарийб 1000 километр узунликдаги мураккаб трассага кабелларни олиб келиш ва ётқизишда катта қийинчиликларни енгиб ўтишларига тўғри келди. Устига устак шиша толали кабеллар ҳар бир ишчидан алоҳида муносабатни талаб этарди. Қурилиш ва монтаж ишларида

XX АСР МЎЪЖИЗАСИ

Қадим замонларда одамлар бир-бирларига хабар етказишда кабуларлар ва турли-туман воситалардан фойдаланганлиги барчага маълум. Асрлар, йиллар утиши билан фан-техника ривожланди, инсон фазога забт этди ва уз навбатда почта хизмати ҳам юксалди. Телефоннинг кашф этилиши одамлар турмушини анча енгилаштирди. Бугунга келиб, уяли телефон тизими, электрон почталар пайдо бўлди. Энди кишилар бир-бирларига хат-хабарларни бир неча дақиқа ичида етказиш имконига эгадирлар. Ушбу сузларни ёзаётган бир воқеа ёдимга тушди.

Бир кун яқин ўртоғимнинг ота-онасини куриб қолдим. Ўртоғим Америка Қўшма Штатларида таҳсил оларди. Улар билан ҳол-аҳвол сурашиб, угилларидан хат-хабар келиб турибдими, деб сурадим. Улар ўртоғиндан ҳеч қандай хат-хабар йўқ, биз жуда хавотирланяпмиз, дейиш-

ди. Мен уларга электрон почта орқали мактуб олганлигимни айтдим. Ўринлар, мен сизларга унинг хатини кўрсатаман, дедим. Мен уларни компьютер олдига олиб бордим ва электрон почта орқали олган мактубимни кўрсатдим. Улар ҳайрат билан компьютерга термулишди. Ўртоғимнинг хатини уларга ўқиб бердим. Фарзандлари аҳолидан хабардор бўлган отанинг кузларидан севинч ёшлари туқилди. Онахон менга раҳмат айтиб, пешонамни ўпиб қўйди. Мен уларга электрон почта ҳақида гапириб бердим.

Кеча бизга мўъжиза бўлиб қуринаётган нарсалар бугун оддий воқеа бўлиб қолмоқда. Почта тизими ва телефонларни тақомиллашганини айтмайсизми! XX асрда инсоният шундай ютуқларга эришибди. XXI асрда нима бўларкин? Бунини вақт кўрсатади.

Зоҳид ЁҚУБОВ,
талаба

«Наманган почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Тошбулоқ филиалида меҳнат қилаётган илгор алоқачилар тўғрисида суз борганда биринчилардан бўлиб Ҳабибулло аканинг номи тилга олинади.

Х. Абдурашидов уттиз йилдан ортқ алоқа соҳасида меҳнат қилиб келмоқда.

— Иш фаолиятини оддий почтачиликдан бошлаганман, — дейди биз билан суҳбатда Ҳа-

жорий этдик.

Жамоамиз ишини давр талаблари даражасида ташкил этишда Х. Обидов, М. Воҳидов, Х. Бойдадаев каби алоқачиларнинг хизмати катта бўлганди.

Инсон касбига меҳр қўйса, сиздиқидилдан меҳнат қилса кузлаган мақсадларига эришади. Эл орасида ҳам унинг ҳурмати баланд бўлади. Шу жиҳатдан олганда Х. Абдураши-

ЖАМОА ФАХРИ

бибулло ака. — Йиллар утиши билан тажрибам ҳам орта борди. Шунинг билан олиб алоқа бўлимини бошқаришда масъулият вазифага топширилди. Ҳозирда мавҳуд 16 та шохобчанимиз орқали нафақа пуллари, турли номдаги вақтли матбуот нашрлари ҳамда хат-хабарларнинг егаларига мунтазам элтиб бераймиз. Яқиндан бошлаб эса электр қуввати, газ, сув шунингдек, радио ва телефон хизматидан фойдаланганлик учун аҳолидан хизмат ҳақи олишим

дов ҳам бахтиёр инсонлардан биридир.

Яқинда Ҳабибулло аканинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. «Наманган почтаси» ҳиссадорлик жамияти, қасаба уюшмаси бирлашган кўмитаси уни табаррук 50 ёшга тулиши муносабати билан ҳамда узақ йиллик меҳнат фаолияти учун фахрий ёрлик билан тақдирлади.

Б. ҚУШМОНОВ,
Наманган вилояти

КЎП МАРТА ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Англиянинг «Энвопэк» фирмаси кўп марта фойдаланиш мумкин бўлган почта хатжилдини ишлаб чиқарди. Ҳар бир жилдада ичи қуришиб турадиган иккита чунтачка бор. Улардан бирига хат олувчи ва хат жунатувчининг манзилгоҳи ёзилган қарточка, иккинчисига почта маркаси солинади. «Молния» халқасига иланидиган қулф эса почтада жунатилган хатнинг сирини сақлайди. Битта хатжилдан 1500 марта фойдаланса бўлади.

ТЎЛҚИНЛАР — АНТЕННА

Америкалик муҳандислар реактив двигателдан чиқадиغان газ оқимидан антенна сифатида фойдаланиш мумкинлигини аниқладилар. Двигателдан отилиб чиқадиغان газ оқими низоҳатда ионлашган бўлади. Шунинг учун ҳам у электр токи ўтказиш хусусиятига эга. Ана шу чикинди газ узун ва ўрта тўлқинларда радиоалоқа антенна хизматини ўтай олади.


А. АЛИЕВ
тайёрлади

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Раиса ИСМОИЛОВА!

Сизни 8 ноябрь — туғилган кунингиз билан барча қариндош-уруғлар номидан табриклайман. Алоқачиликдек масъулиятли ишингизда каттадан-катта омадлар тилайман. Доимо соғу саломат бўлинг, юзингиздан табассум аримасин деб

синглинги
Раънохон



АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

НАНОЛАЗЕРЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Ҳозирги замон техникасида транзисторларнинг туган ўрни бағоят чексиз эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Транзистор 1948 йилда ихтиро этилган тўрилик, ана шу эллик йил ичида ҳам жижҳатдан гоятда кичиклашиб, техникани ривожланишида чексиз даражада имкониятлар яратди.

Киши билмас, транзисторларга параллел равишда ярим ўтказгичли лазерлар соҳасида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди ва бўлмоқда. Кейинги вақтда олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ярим ўтказгичли лазернинг ҳажмини метрнинг миллиард бир булагига бўлиш нанометргача камайтиришга эришилди. Уларнинг ҳажми узлари чуқраётган ёруғлик нурининг тўлқин узунлигидан ҳам кичикдир, яъни уларнинг ҳажми соч толасининг юздан бир қисмига туғри келади, ҳолос. Ана шундай элементлардан турғи фойдаланилса, техника соҳасида жуда катта-ютуқларга эришиш ва техникани ишлаш жараёнидаги тезликни, айниқса компьютерларнинг тезлигини амалии курилмаган даражада ошириш мумкин. Компьютерларда нур (ёруғлик) хабар ташувчи ёки хотирада сақловчи электр сигналлари ўрнини эгаллайди. Ҳозирги кунда улар алоқа тармоғининг баъзи иш-ш талами тизимларида кулланилмоқда. Нанолазерларни тиббиётда, яъни маълум касалликларни олдиндан аниқлаш ишларида ҳам кулланиш усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Нанолазерларнинг ишлаш жараёни 35 йил олдин пайдо бўлган рубинли лазерлар каби дейиш мумкин. Лазерлардаги энг асосий элемент бу икки «ойна» орасига жойлаштирилган нур таркатувчи муҳит. Нур таркатувчи муҳит гелий, неон газлари ёки ярим ўтказгичли кристаллар бўлиб, улар ёруғлик нурини билан «туйинтирилади» яъни бошқача қилиб айтганда қўшимча энергия берилади. Бунинг натижасида муҳитдаги электронлар «энергия ютиб», қуйи поғонадан юқори поғонага кутарилади. Яна ўз қуйи поғоналарига қайтишда эса ўзларидан ёруғлик чиқарадилар ва бу ёруғлик «ойналар» орқали қайтарилади.

Фотонларнинг «қузғатилган» электронларни юқори поғонадан қуйи поғонага қайтариши мажбурий ёруғлик нур тарқатишга ва ўз-ўзидан ортиб борувчи гоят катта оқимнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бир томондан лазер сузини маъноси инглизча: «laser» — light amplification by stimulated emission of radiation — ёруғлик нурини мажбурий тарқатишни қўчайтириш деганини билдиради. Шунинг учун лазердаги фотонлар сони тезда ошиб боради ва катта қувватли ёруғлик нурини бирор-бир ойна орқали ташқарига чиқарилади.

Лекин қўпчилик фотонлар асосий нур тарқатиш реакциясида қатнашмай, ўз-ўзидан ха-

тик жараён бўйича нур тарқатишни ҳосил қилади. Бунинг оқибатида лазернинг фойдали иш коэффициентини кичик бўлади. Шунинг учун лазерни тинимсиз равишда энергия билан «туйинтириб» туриш зарур. Буни таъминлашга эса транзисторларга нисбатан каттагина ток кучи керак бўлади.

Ҳозирги замон олимларининг ишининг қўпчилиги ана шу лазерларнинг фойдали иш коэффициентини оширишга, яъни «барча» фотонларни маълум тартибда ёруғлик нур тарқатиш жараёнида иштирок этишга мажбур қилиш ишига қаратилган.

70-йиллар охириларида Токио технология институтининг Кениши Ига бошчилигида янги турдаги ярим ўтказгичли лазер яратилди ва унинг ҳажми микролазер бўлгани учун микролазер деб аталди. Улар ярим ўтказгичли диодлар каби бўлиб, ҳам жижҳатдан анчагина кичик ва туртбурчак шаклида эмас, балки цилиндр кўринишидадир. Яна уларни транзисторлар каби бир умумий майдонли элементга ўрнатган ҳолда ясаш ва умумий тест синовларидан ўтказиш мумкин. Диод лазерлар эса фақат иш шариоатида битта-битта текширишни талаб қилади.

Микролазерларда фотон ва электронларнинг квант хоссаларидан фойдаланганлар. Улар ҳақдан ташқари юқори ярим ўтказгичларда (бир неча атом қалинлигидек) «қудук» шаклида ясалган. Бундай кичик ораликда электронлар фақат маълум квант ҳолатида бўлишлари мумкин. Агар бу «қудук» деворларини қатлама шаклида ясалса, электронларни бир поғонадан иккинчи поғонага ўтишга мажбур қилиш мумкин ва улар шунда ёруғлик нур тарқатадилар.

Ярим ўтказгичли лазернинг «ойналари» хилма-хил синиш курсаткичига эга бўлган арсенид-галлий ва арсенид-алюминийлардан ясалади. Агар қатламлар ҳам жижҳат тўлқин узунлигида қилиб ясалса, қайтиш кучаяди ва фойдали ишга фотонларнинг 99 фоизи жалб қилинади.

Бундай микролазерлар ишлаш талами тизимларда аллақачон ўз иш жойини топган. Аммо ҳали бу соҳада ишлар давом этмоқда, чунки ҳозирча микролазерларнинг фойдали иш коэффициентини 50 фоиз атрофида. Бошқача қилиб айтганда лазер энергиянинг ярмисини ёруғлик нурига айлантирмоқда. Аммо диод лазерларнинг фойдали иш коэффициентини 30 фоиздан ошмаслигини эътиборга оласек, бу юқори курсаткич. Микролазерлар квант хоссаларини мўжасамлаштирувчи янги улчаш ас-

бобларини яратишда катта тўрилик бўлдилар.

Ҳажми янада кичрайтиришда дискли лазерлар ёрдам бериши мумкин. Уни Ричард Слүшер бошчилигидаги олимлар Белл (АҚШ) лабораторияларида яратмоқда. Микрочиллар ясашдаги мураккаб усуллари қўллаб, кубба ва сатҳларни сайқаллаб, олимлар таблетка кўринишдаги диаметри бир неча микрон ва қалинлиги 100 нанометргача яқин дискли лазер яратдилар.


Ҳаво ва ярим ўтказгичларда нурнинг синиш курсаткичи хилма-хил, шунинг учун диск ичида ҳосил қилинган ёруғлик нурининг чеккаларидан қайтади ва айлана бўлаб ҳаракат қилади. Бу эффект лорд Релейнинг «гапирувчи галерея» тажрибасига ўхшайди. Лондондаги илоҳий Павел ибодатхонаси галереясининг бир томонида шивирлаб айтилган сузларнинг иккинчи томонида бемалол эшитилган. Бунга сабаб сузларнинг галерея деворларидан урилиб қайтиши ва қўчайиши сабаб бўлган.

Микродискнинг ҳақдан ташқари кичик ҳажми тўфайли унинг ичида фақатгина аниқ фотон ҳолати мавжуд бўлгани учун ёруғлик нурини йиғилади ва сунгидега катта қувват билан ташқарига отилиб чиқади. Нанолазерларнинг асосий афзалликларидан бири — уларнинг оний равишда ҳақдан ташқари тез қайта уланшиш операциясини бажариш имкониятидир. Ёруғлик нурини ҳосил қилиш учун гоятда кичик энергия зарур, ҳолос. Шунинг учун баъзи лазерлар секундида 20 миллиард марта учириб, ёқилиши мумкин. Бундай катта тезликда қайта уланшиш операциясини бажариш ишлаш талами тизимлар учун айна мўд-до.

Агар ҳозирги замон нанолазерлари янада ҳам жижҳатдан кичиклашса ва бир секундда қайта уланшиш сони оширилса улардан бемалол ёруғлик нурли компьютерлар ясаш мумкин. Улар ёрдамида ҳозирги замон ярим ўтказгичли энг мукаммал компьютерларидан ҳам бир неча мартаба устун бўлган ҳисоблаш машиналарини ясаш мумкин. Агар шу ишлар амалга охса, ҳозирги замон ажойиботи бўлмиш ярим ўтказгичли компьютерлар «чиқитга» чиқиши аниқ, Шунинг учун нанолазерларни тақомиллаштириш иши дунёда энг йирик илмий текшириш институтлари томонидан кенг қўлама олиб борилмоқда.

Ишончимиз комилки, нанолазерларнинг келажаги порлоқ ва улар келажақда техниканинг ривожланишида катта урин тутадилар.

Холиқ СОАТОВ,
Агентлик бозор ислохотлари ва қимматли қозғалар бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент



Мана бир неча йилдирки Абдурасул БАРОТОВ «Жиззах Телеком» шўба корхонасининг Пахтакор туман филиалида бошфали электромонтёр бўлиб ишлаб келяпти. У заҳматли меҳнати учун Шўҳрат медали билан тақдирланди.

Б.ТОШМАТОВ олган сурат

Мобиль телефони одамлар учун керакли ва зарур нарсага айланиб қолди. У техника тарқатишининг ажралмас қисми бўлиб, жуда тез ривожланмоқда. Уяли алоқа воситаларининг бундай тез ривожланишига бозор иқтисодиёти муносабатлари асосий омиллардан бири бўлиб дейиш мумкин. Республикада уяли алоқани ташкил қилишда олғинча қўшма корхона иштирок этипти.

Ўзбекистон фуқаролари учун уяли алоқа тизимидаги олғинча компаниянинг фаолияти қўшма-ча микдордаги илгчи уринлари ҳам демекдир.

Олғинча қўшма корхонадан туртгаси қўшма корхона сифатида иш юритса, иккитаси эса бў-

рига келиб уяли телекоммуникациялар дунё бозорига муносабат қуйилаётган бўлди. Америка стандартини 60 фоиз абонентларни, Европа стандартини эса 40 фоиз абонентларни эгаллади. АҚШда мазалан, ҳамма абонентлар (100 млн. микдорда) ўзларининг стандартларидан фойдаланишди. Бу нарсани фақат ватанпарварликка боғлаб бўлмайди. Англияда мобиль телеалоқанан фойдаланишган 4 млн. абонентдан 3,5 миллиони Америка стандартидан фойдаланади. Швецияда 1,4 млн. абонентдан 960 мингта ҳам шу стандартдан фойдаланишди.

Статистика таъқиқотлари Америка стандартини Европа стандартидан теҳикавий-иқтисодий

БОЗОР — БОШ МЕЗОН

туғилай хориж сармоясига асосланган. Уяли алоқа корхоналаридан қайси бирини танлашни сизу биз, яъни мижозлар ҳал қиламиз. Қўшма корхоналарнинг қўпчилиги узаро рақобатни вужудга келтириб, хизмат баҳосининг камайишига олиб келади. Улар ўз алоқа хизмати сифатини оширадилар, хизмат турларини қўнайтирадилар ва ҳоза.

Республикада уяли алоқа тизимини биринчи бўлиб «Ўздоробита» қўшма корхонаси бошлаб берди. Ушбу қўшма корхона бир неча йиллик иш фаолиятида ўз мавқенин анча мустаҳкамлаб олди. Ишларнинг кенг қўлоқ еялиши, абонентларни ўзига жалб қилиши жижҳатдан корхона уяли корхоналар ичида етакчилик қилмоқда. Бу қачонгача давом этади деган савол туғилиши табиий.

Бошқа корхоналар — «ДЭУ-Юнител», «Бузел», «Узмаком», «Коском», «Ю-тел»лар пайдо бўлишди.

Дунё бозорига асосан ҳозирча икки стандарт AMPS ва GSM ўртасида рақобат кетаяпти. Биринчиси — аналогли (уздуксиз сигналли) алоқа, америкаликлар томонидан ишлаб чиқилган, иккинчиси эса, европаликлар яратган рақамли алоқа стандартидир.

GSM стандартини пайдо бўлиши билан AMPS стандартининг мавқеи пасайди, албатта. Америкаликлар бозорнинг янги талаб ҳамда эҳтиссларини ҳисобга олган ҳолда тезда рақамли алоқага ўтдилар. Улар олдинги стандартни замонавийлаштириб, D-AMPS ни яратдилар. Натижада, рақобатлашадиган икки стандарт ҳам рақамли, ҳам ютуқ жиҳатдан ҳам фарқланадиган бўлди. Маълумотларга қараганда, 1995 йилининг охи-

ютуқлари билан яққол устун деб ҳам маъқуллай олмайдилар. Бироқ у шунга қайд этакдики, рақобат кураши кескин кучаяди ва оқибати қандай туғайди — буни вақт курсатади. Ҳозирги ишлаб турган стандартлардан маълум тартибда устун келадиган телекоммуникация алоқаси технологиясининг бутунлай янги турлари пайдо бўлиши ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас. Бу ҳолда рақобат кураши янги поғонага кутарилади.

Техника тарқатиши ва экология рақобатиди фирмалардан ҳам балтар келишмайдишан соҳалар ҳисобланади. Техникани яратиш — табиатни кенг маънода забт этишга олиб келади. Яна шу нарса маълумки, ҳар қандай тақомиллашган техника янгилиги албатта экологияга таъсир қилади. Балки уяли телекоммуникациянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам бундан холи эмасдир. Ҳозирча телекоммуникациялар ишида атроф-муҳит учун зарарли таъсирга эга бўлган нурланмиш борлиги ҳақида илмий асосланган далиллар мавжуд эмас. Бу ҳол америкача ҳамда европача стандарт турларига ҳосидир.

Маълумки, улар 800 ва 900 МГц оралиғидан частотада ишланадиган ва узаро яқин бўлганлигини учун амалии жижҳатдан ажратини қийин. Шунинг учун ҳам у еки бу стандарт атроф-муҳит учун кўпроқ зарар келтиради дейиш ҳақиқатдан йирикдир. Табиийки, ушбу ишларда маълум илмий таъқиқотлар ўтказилмоқда ва бундан кейин ҳам таъқиқотларни ўтказиш назарда туғилияпти. Шунга қайд этиш уринлики, ҳозирда дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари бу масалани ваҳима қилишадигани йўқ.

К. АЛИЕВ

НЕЙЛОН ВА ТЕЛЕТАСВИР

Англиянинг Лондон шаҳридаги уйлардан бирида ҳар куни кечқурун соат 10 ларда телевизор курсатувларини томоша қилиш мумкин бўлмай қолди. Экранга аллақандай бегона сигналлар таъсир қилиб, курсатилмаётган теле-тасвирларни бузиб юбора-

верган. Орадан бир мунча вақт ўтгач, бу бегона сигналларнинг таъсири бирдан йўқолиб, теле-тасвирлар аниқ кўрина бошлаган.

Маълум бўлишича, телевизионнинг таъсирларини курсата олмаганига нейлон пайпоқлар сабаб бўлган экан. Шу уйдан

сал нарироқда хотин-қизлар дам олиш уйи бўлиб, унда яшовчи аёллар кечқурун соат 10 ларда ухлаш олдиндан пайпоқларини ечиб ётишган.

Бу пайпоқлар нейлондан тўқилганлиги учун, улар зарядланган ва жуда майда электр зарядларининг вужудга келишига сабаб бўлган. Худди шу зарядлар телевизорни кўришга ҳалақат берган.

Замонавий муаммолардан бири — алоқа тармогининг ахборот хавфсизлигини таъминлашдир: тармоқдан ўтаётган ахборотга (тасвир, нутқ, маълумотлар, рақамлар ва бошқалар) тасвир кўрсатиб, уларни йўқ қилиш, алмаштириш, улардан ғайриқонуний фойдаланиш, ўрнини алмаштириш каби ҳаракатлар натижаларини имконияти борича камайитиришга эришмоқ даркор.

Мутахасссларнинг фикрича, банкдаги 20...25 фоиз махфий ахборотни йўқотиш банкни хароб этади. АҚШнинг банкларидаги ахборотли маълумотлар базасига беришас ЭХМ орқали кириш йилга 300 млрд. долларгача зиён етказилади.

Бундай ахборот уч гуруҳга бўлинади:

1. Махфий, епик, сирли ахборот (булар давлат сирларига оид ахборотлардир. Улар тегишли қонушлар билан белгиланган).
 2. Махсус, чекланган ахборот (тижорат маълумотлари, фирма еки бирон идора фаолиятига оид булган маълумотлар; унинг тарқалиб кетиши маълум доирада катта зарар етказиш мумкин);
 3. Очик ахборотлар (тарқалиши чекланмаган).
- Узатилаётган ахборот хавфсизлигини таъминлаш мураккаб махфийлаштирувчи аппаратларни талаб этиб, ахборот истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган бўлади. Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида узатилаётган ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш — алоқа тизимларида мураккаб техника воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади. Бундай ҳимоя узатиладиган ахборотнинг яхлитлигини, махфий узатилишини ва истеъмолчилар томонидан осон фойдалана олиш каби талабларга жавоб бериши шарт.
- Хавфсизлик хизмати маълумот эгаси олдидан унинг йўқолиши, утирланиши, бузилиши ва тухтайтиш қилинишига жавобгар булган ҳолда қуйидаги хавфларга қарши қаратилган хавфсизлик чораларни тизимини ишлаб чиқиши ва

амалда қўллаши даркор:

- маълумотларнинг йўқолиши узиш еки беришас назорат этиб бориш (алоқа каналига улашиб еки

- истеъмолчилардаги рухсатларни текшириш хизмати;
- ахборотларни сақлаш ва тиклаб бериш хизмати;
- элтиб бериш хизмати.

Халқро телекоммуникация қўрилмаларининг тақлифига биноан маълумотларни шифрлаш (қоллаштириш) алгоритмлари, истеъмолчилар аутентификациясининг (табиб ажрата билиш) алгоритмлари, маълумотлар яхлитлигини таъминловчи алгоритмлар, рақамли имзолан усуллари ҳамда ахборотларни бехато элтишиши назорат этиш

нологияларини ишлаб чиқиш ва уза махсуслотларини бошқа давлатларга утқизиш учун мамлакатларара ва фирмаларара етакчилик вазифаси учун кескин кураш олиб борилмоқда. Информационий уруш ва информация қўроли деган тушувчлар ҳам пайдо бўлди. Буларга бефарқ қараиб камситиш ва тез ривожланаётган жараендан орда қилишга олиб келади. Шу сабабдан бу йўналишдаги илмий ҳамда амалий чораларни табиб этиб бориш ва уларни етарли ҳажмда маблаг билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

фирмалардан утаётган ахборотга штур етказо олиши мумкинлигидан далолат беради.

Мамлакатнинг яхлит алоқа тармогини ривожлантириш архитектурасини амалий лойиҳа қилинишига олиб келиш, уни тасдиқланган тармоқ архитектурасига мос равишда назоратини таъминлаш ҳамда керакли туртирлашларни вақтида киритиб бориш муаммолари муҳим бўлиб қолади.

Ташкилий ва ҳуқуқий томондан ахборотни ҳимоя этишдан ташқари талайгина техникавий муаммолар ҳам ечимлоғи даркор.

Олиб бориладиган йирик техникавий изланишларга «Телекоммуникация тармоғидаги ахборотни ҳимоя этиш таъминловчи техник воситаларини ишлаб чиқиш» муаммоси кирди. Бу муаммога тааллуқли:

АХБОРОТ ВА ХАВФСИЗЛИК

улардаги электромагнит нурланишдан фойдаланган ҳолда;

- маълумотлардаги фактларнинг таҳлили (истеъмолчилар қабул етаетган фактлар оқимининг хусусиятларини назорат этиш);
- ахборотлар оқимини узгартириш (ахборотларга сезилмайдиган бузилишлар киритиш, уларни чиқариб ташлаш еки оқимдаги ўрнини узгартириш);
- қайта узатишлар ташкил этиш (рақиб томонидан ахборотлар оқимининг бор еки йўқлигини аниқлаш);
- ахборотлардан истеъмолчиларнинг тониши (узатмадим е олмадим деб);
- сохта ахборотларни узатиш ва сохта истеъмолчи бўлиб ишлаш;
- тезкор ахборотларни тухтайтиш е узатмаслик;
- Шу сабабларга кура бундай таҳликалардан муҳофаза этиш учун қуйидаги хизматларга эга булган хавфсизлигини таъминлаш тизими бўлмоғи лозим;
- узатилаётган маълумотларни епик (махфийлаштирилган равишда) юбориш хизмати;
- аутентификация хизмати (истеъмолчининг ҳақиқий эканлигини текшира олиш);
- юборилган маълумотлар яхлитлигини таъминлаш хизмати (ахборотларни бузиш, уларни тухтайтиш ва йўқ этиш, тартибини уз

кабиларини қўллаш керак.

Ҳозирги кунда узоқ масофалдаги сўхбатни епига олувчи қўрилмалар мавжуд. Уларга уга сезир йўналтирилган микрофон урнатилиб, кам шовқилловчи кучайтиргичлар ишлатилади. Гоҳо кичик микрофонлар кўринмас ерларга урнатилиб ўтаётган сўхбатни масофага узата олиш мумкин. Симли каналлардан еса маълум қўрилмалар сигнални керакли жойга етказо оладилар. Айниқса радиоканаллардан ахборотларни «илиб» олиш жуда осондир.

Замонавий мураккаб алоқа тизимларидан ахборотларни «суриб» олиш кийинроқ ва мураккаброқ бўлса, лекин ҳар қалай мумкин. Умумий ташкилий чораларга қўйилганлар кирди:

- алоқа техникаси турган хоналарни қуриқлаш;
- рухсатсиз алоқа линияларига улашини топиш асбобларини қўллаш;
- кабеллардаги герметизация бузилишини назорат этиш;
- хоналарни акустик, электр ва вибрация шовқинларига ураб олиш;
- радиоалоқа воситаларида асосий сигнал частоталарини узгартириб бориш ва бошқалар.

Дуне уз тараққитида ахборот асрига кириб бормоқда. Бунда ахборот ва телекоммуникация тек

Биринчи уринда аҳоли ва давлат идораларининг ахборот фаолиятидаги ҳимоясини таъминлаш масаласи ҳам ташкилий, ҳам ҳуқуқий йўналишларда қонулаштирилиши керак. Иккинчиси — тармоқни керакли восита ва техника билан таъминлаб, улардаги ахборот хавфсизлигини назорат этишдир. Учунчиси — Узбекистон давлат алоқа тармогининг хавфсизлигини таъминлаш, уларни сақлаш, самарали ишлатишини ташкил этиш. Масалан, ҳама йуллари еки темир йулларни бошқаришдаги ахборот тизими фаолиятининг хатолари катта фожеа ва фалокатларга сабабчи бўлиши мумкин. Баъзи ишлаб чиқариш корхоналари, атом электростанцияси, стратегик ядро қўроллари бошқарувидаги ахборот тизимининг хатолари оқибати янада катта зарар кўриш мумкин. Кучли ахборот хавфининг олдини олиш чоралари ағетлигининг тегишли бўлиналариини диққат марказида бўлмоғи лозим.

Хорижий давлатлардан келаетган рақамли телекоммуникация тизимларининг аппаратли ва дастурий таъминотлари аксари епик ҳолда. Бизда уларга тегишли элементлар ишлаб чиқарилмаслиги ҳамда хар хил фирмалардан келаетган тизимлар узаро биратула қўшуна олмаслиги каби сабаблар давлат ва

Олиб бориладиган йирик техникавий изланишларга «Телекоммуникация тармоғидаги ахборотни ҳимоя этиш таъминловчи техник воситаларини ишлаб чиқиш» муаммоси кирди. Бу муаммога тааллуқли:

- техникавий, дастурий ва ташкилий воситаларини ишлаб чиқиш;
- янги криптографик ахборотни ҳимоя этиш тизимларини яратиш (алгоритмларини ишлаб чиқиш; улардан яхшиларини танлаш);
- самарали аутентификация тизимини яратиш (ҳақиқий абонентларини текшириб, сохта еки қалбқилларини ажратиб олиш);
- маълумотлар базасини сақлаб, ҳимоя этиш тизимини яратиш каби бир қатор муаммолар ечимини кутиб етибди.

Алоқа институти ва илмий марказлар қўшида бир еча соҳавий тажрибахоналар яратиб, уларга зикр этилган масалалар қўйилмоғи шарт. Келажакда еса ахборот хавфсизлигини йўналтиришда йирик илмий-тадқиқот институти яратилиши даркор. Хорижий давлатлар томонидан бўлуси информациявий куптуров ишларига етарли даражада хавфсизлик чоралари ишлаб чиқилиши шарт.

М. ОРИПОВ,
Тошкент электротехника
Алоқа институти
проректори, профессор

Бугун телефон аппаратларининг тараққиети асосан уч йўналишда илгариллаб бораётгани кузга таъналанади. Улар электр тармоғидан озикланадиган, электр тармоғидан озикланмайдиган ва телефон рақамини автомат тарзда аниқлаб берувчи АОН қўрилмалари аппаратлардир.

Электр тармоғидан озикланадиган аппаратлар дастлабки АОНлик аппаратнинг бевосита «авлод»лари бўлиб, уларнинг такомиллаштириш электроника эришган ютуқлар билан ҳамоҳан равишда дастурий таъминотни ва сервис турларини кўпайтириш йўналишида бўлди. Дастлаб асосий эътибор дастурий таъминотини такомиллаштиришга қаратилди. АОНларнинг ривожланишида нафақат телефон рақамини қайд қилиш, балки шу рақамларни овоз билан айтиб утиш дастлабки катта ютуқлардан ҳисобланади. Кейинги такомиллаштиришлар еса зарур булган дастурий таъминотни сақлаш учун телефон аппаратларининг ҳажми, уларнинг ишлаш услублари ва чизмаларини бутунлай узгартиришни тақозо этиди. Ҳозирги вақтда бундай аппаратлар энг кўп тарқалган ва дуненинг етакчи фирмалари томонидан турли қўрилмаларда ишлаб чиқарилмоқда. Бошқача қилиб айтганда аввал аппаратта қараб унинг дастурий қисми ишланган бўлса, эндиликда дастурга қараб аппарат ишлаб чиқарила бошланди. Бунда эндиги аппаратлар электр энергиясини кам истеъмол қилинишига жуда катта эътибор берилди.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган барча АОН платаларининг ишлаш усули умумий ўхшашликларга эга бўлиб ташқи қўрилмалари ва таркибида қўрил

БУГУННИНГ СУПЕРТЕЛЕФОНЛАРИ

нинг телефон рақамларини билиш учун уйда еки иш жойингизда бузилиши шарт эмас. Бунинг учун зарур телефонлардан булган кўнгирикларни ва ахборотларни езиб олиш мумкин. Дастурда автовжоб берувчи уланганлиги ҳақида оғохлантирувчи тизим ҳам қўзда тутилган. Россияда ишлаб чиқарилаётган «Рус-23 СР» аппарати еса жараенларни масофадан туриб бошқариш имконини ҳам беради. Шу билан бирга кўнгирик қилаётган кишининг телефон рақамини индикаторда қайд қилинишига қолмай товуш орқали ешиттирилиши ҳам мумкин.

Россиянинг «Олтин шар» акциядорлик жамияти 404, 406, 407 русумдаги телефонларни ишлаб чиқара бошлади. 404 аппарати шу турдаги аппаратлар орасида ишлатишга анча осон тури ҳисобланади. Супертеелефонларга хос булган вазифаларни бажаришидан ташқари бундай аппаратларда бошқа режимида алоқаси бўлмаган алоҳида қалқулятор ҳам бор. Аппаратдан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида индикаторда телефондан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар матнини осонликча чиқариш мумкин. Сўхбат чоғида ва телефон соҳиб қўнгирик қилаётган вақтда товушининг баланглигини автоматик тарзда бошқариш мумкин булган имконият ҳам бор.

Супертеелефонларнинг иккинчи тури уз озиклантириш манбаига эга булган телефонлардир. Қўрилма бундай телефонларни телефон линиясиндан озикланади дейишпади. Аслида еса гальваник элементлардан иборат электр озуқа манбаи бор. Бундай аппаратлар ишла

тишда қулай, лекин озуқа манбаларининг чекланган қуввати имкониятларни чегаралаб қўяди, чунки баъзи функциялар, масалан ахборотларни товуш орқали ифода қилинадиган ҳолларда электр энергиясини бироз кўпроқ сарфланади, шунинг учун электр энергиясини кам сарфлаш, озуқа манбаининг ишлаш муддатини узайтириш мақсадида қўрилма суюқ кристалли индикаторлардан фойдаланилади. «Алфа», «Гамма», «Консул» деб номланувчи аппаратлар шулар жумласидандир.

Кўнгирик қилаётган кишининг телефон рақамини билиб берувчи қўрилмаларни супертеелефон деб аташ мумкин эмас, чунки улар алоҳида ишлаб чиқарилиб, телефон линиясига параллел равишда уланалилар. Бундай қўрилмаларнинг дастлабки намуналари 1992 йилдаек ишлаб чиқарила бошланди. Қўрилмалар кўнгирик қилувчининг телефон рақамини, кўнгирик булган вақтнинг аниқлаб езиб олиш каби энг оддий вазифалардан тортиб анча мураккаб вазифаларгача бажара олади. «TECHNO» фирмаси ишлаб чиқараётган қўрилмалар шундай қўрилмалардан биридир. Телефонларни такомиллаштириш давом этмоқда. Шунинг ҳам айтиш умтоқ жоизки, супертеелефонларнинг кескис хизмат турларидан ҳамма ҳам тула фойдаланмаслигини ҳисобга олиб, аппаратларнинг нархини арзонлаштириш, фойдаланишни содаллаштириш борасида ҳам кент қўламда изланишлар олиб борилмоқда.

Тропик Африкадаги бирон йигин еки маърақа ногорасиз ўтмайди. Африка ногораларини узига хос телеграф дейиш мумкин.

Африка ногоралари орасида йўғонлиги ҳумдек келадиган гўлдан уйиб ишланганлари ҳам бор. Уларнинг там-там овозлари жуда олисга — 7-9 километр масофага чамалол ешитилади. Ногорачи уни чалганда маълум маънони, ҳатто сузлардаги унли, унсиз товушларни, урга ва ҳатто тишиш белгиларига чам аниқ фодолайди. Боринги, бу том моҳияти билан «гайрадагидан» ногора. «Гапирадиган» ногоралардан ҳозир фақат қабила бошлиқлари эмас, ҳатто савдогарлар ҳам фойдаланади.

УЗИГА ХОС ТЕЛЕГРАФ

ВАРРАК ОРҚАПИ РАДИОАЛОҚА

1990 йили Англиянинг Бостон обсерваториясидан учирилган варрак 4600 метр масофага чам борган эди. Линдербергдаги немис обсерваториясига ясалган варрак еса узоққа учинишдан ундан ҳам узайб, 7 мин метрга учиб борди.

Г. Маркони есмил италиялик муҳандис 1901 йили Ньюфаундленд оролидан учирган қутисимон варрак ёрдамда Атлантика океани орқали радиоалоқа урнатган эди. Варракни учиртишда каноп ип урнига сим ишлатилган бўлиб, шу сим қабул қилувчи антенна вазифасини утаган.

"Алоқачи ҳамроҳи" — "Спутник сувязиста" илова саҳифаларига Т.ЛУТФУЛЛАЕВ, Х.СОАТОВ масъулдир.

Т. Мирбобо ўгли тайёрлаган

СПУТНИК СВЯЗИСТА

РОЛЬ СПЕЦИАЛИСТА — ПРАКТИКА ПО УПРАВЛЕНИЮ ПЕРСОНАЛОМ И РАЗВИТИЮ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ РЕСУРСОВ

В современных условиях хозяйствования одним из важнейших факторов, определяющих успех экономических реформ в отрасли, является кадровый потенциал предприятий, организаций и акционерных компаний.

Как изменились в этих условиях методы работы специалистов по кадрам — «специалистов по управлению персоналом», претерпели ли они какие-нибудь изменения? Какие новые задачи и функции стоят перед ними?

Возможно, некоторые с удивлением подумают — «А что нужно менять? Кадровики принимают, увольняют, перемещают, а что им еще делать? Подготовил приказ — и всё!». Это, конечно же, самый примитивный взгляд на работу отдела кадров.

Несомненно, вопросы рекрутинга — найма работников, размещения рекламы о подборе кадров, по-прежнему входят в работу кадровых служб, но еще многие другие вопросы и проблемы стали сегодня заботой и вниманием этой службы.

Для эффективной работы любой организации в целом, руководству этих организаций необходимо современно по-новому взглянуть на функциональные обязанности отделов кадров и специалистов, в круг обязанностей которых входят вопросы управления персоналом и развития человеческих ресурсов. И от того, какую кадровую политику проводят руководители предприятий и компаний отрасли зависит очень многое.

В функциональные обязанности специалистов по кадрам наряду с вопросами в области рекрутинга входят и другие задачи по управлению персоналом — отбор, расстановка, перемещение, обучение, переподготовка и повышение квалификации работников предприятий, работа по формированию резерва на замещение должностей руководителей среднего и высшего звена, аттестация, работа с персоналом, ветеранами труда и пенсионерами, общественностью по разъяснению действий руководства, а также вопросы развития человеческих ресурсов — планирование, изучение, контроль, отчетность, определение потребности кадров предприятия, удовлетворения потребностей потребителей в услугах различных видов почты, телекоммуникаций и др.

В каждой организации есть свои приоритеты в работе с персоналом и осуществлении кадровой политики. Но независимо от путей реализации этой политики, главной задачей деятельности любой организации должна оставаться забота о людях, о клиентах.

И не надо думать, что за работу с потребителями отделы кадров непосредственно не отвечают. На первый взгляд — это так, но, тем не менее, внутри самой организации работники других отделов могут выступать в роли «клиентов». Каждому из нас легко представить себя в этой роли, и конечно же, нам бы очень не хотелось, чтобы нас подолгу заставляли ждать, занимались волокитой в решении самых простых, но порой жизненно важных вопросов, грубили нам и т. д. Мы ожидаем уважительного отношения к себе и людям, пришедшие к нам в организацию для решения своих проблем, ждут от нас того же.

Как часто наши первые впечатления о чем-либо увиденном на долго сохраняются у нас в памяти и оставляют неизгладимый след.

При определенных обстоятельствах эти впечатления могут стать даже решающими, поэтому очень важно, чтобы они не носили бы неприятный оттенок.

И тот факт, что одним из первых, с кем приходится общаться вновь принимаемому работнику, является кадровик, накладывает на наших специалистов особую ответственность. Они представляют свою организацию и не должны забывать, что насколько компетентно, доброжелательно и профессионально они выполняют свою работу, зависит общее впечатление в целом об организации или компании.

Работа, с которой сталкивается специалист по кадрам, складывается из сложного взаимодействия предоставленных ему прав и его личных способностей убеждать и принимать решения, его личной ответственности, а также коммуникабельности, умения выслушать, понять и помочь.

На примере Агентства и ряда акционерных компаний отрасли можно сказать, что определенное количество времени в работе отделов кадров занимает разбор жалоб и работа с письмами, которые поступают в вышестоящие организации от работников.

Кроме того есть еще в организациях и компаниях отрасли проблемы и нарушения Трудового Кодекса Республики Узбекистан и здесь есть над чем работать.

В этом случае кадровые службы выступают посредниками между руководством и персоналом предприятий, разъясняя и уточняя позиции сторон.

Но есть еще и наш старый подход в решении многих проблем — «пусть кто-то там наверху решит», «наверху виднее».

